



1995 йил 10 июндан
чиқа бошлаган

Миллий ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

2008 йил

5

МАРТ

9 (446)-сон

Чоршанба

MILLIY TIKLANISH

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАРНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ;
1. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Қуроли Куचлари резервиге бўшатилин.
2. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2008

йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.
Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуроли Кучлар сафига чақирилмайдиган

фуқаролар сафарбарлик чақируви резервиге олинсин.
3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Миллий ҳавфсизлик кенгаши Қотиби М.Атаев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2008 йил 3 март
И. КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ «ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Ёшларнинг манфаатлари ва ҳуқуқлари ҳимоя қилиш борасидаги етилган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, улуғсиз таълим тизимида ислохотларни янада чуқурлаштириш, реал иқтисодиётда ва мамлакат ҳаёт фаолияти соҳаларида таълим муассасалари томонидан тайёрланган мутахассисларга бўлган талабни таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан;
1. Қуйидагиларни назарда тутиб «Ёшлар йили» Давлат дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин;
ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда муостақамлаш, амалдаги қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
таълим жараёнини унинг улуғсизлиги ва давомийлиги нуқтаи назаридан янада такомиллаштириш, 9-синф битирувчиларининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан тўлиқ қамраб олиншини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида ёшлардан муносиб равишда фойдаланиш ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлишини кафолатлайдиган, реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб қилинаётган йўналишлар ва ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш;
ишга туширилмаган умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни қуриш ва реконструкция қилиш сифатини ошириш, уларни муҳандислик коммуникацияларига ўз вақтида ҳамда тўлиқ улаш, меъёри, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва техникавий таълим воситалари билан жиҳозлаш, таълим соҳасида қабул қилинган давлат умуммиллий дастурларининг сўзсиз ва сифатли бажарилиши юзасидан бюрократчилик ва пудратчиликнинг маъсулиятини кучайтириш;
таълим ва кадрлар тайёрлаш бутун тизими даражаси ҳамда сифатини тубдан ошириш, мактаблар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий ўқув муассасаларидаги таълим стандартлари ва ўқув дастурларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда танқидий таҳлил қилиш ҳамда янгилаш, педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш;
ёш авлодини ҳаётга қатъий эътиқод ва қарарли руҳда, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган миллий


ҳамда умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш;
олий ўқув юртлиги, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларининг, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни тугатган ёшларнинг, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқларда ишга жойлаштириш билан боғлиқ масалалар бутун комплексли равишда;
муқсади, расомлик, санъат ва маданият соҳаларида болаларнинг ижодий талантини ва қобилиятларини беравек аниқлаш ҳамда ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, мазкур масалалар билан шуғулланувчи жамоат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда шахсларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;
ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ОИТС, гингебрандик, кашандаллик ва бошқа зарарли одатларга қарши кураш бўйича профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;
ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший турмуш шароитларини яратиш, уй-жойини ободонлаштириш учун зарур маблағлар ва кредитлар бериш, маънавий бой ва жисмонан соғлом болаларни тарбиялаш чора-тадбирларининг самарали тизими амалга ошириш;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 декабрдаги Ф-2892-сон фармойишига мувофиқ ташкил этилган Республика комиссияси зиммасига «Ёшлар йили» Давлат дастури бажарилишини ташкил этиш ва мониторингини олиб бориш вазифаси юклансин.
Республика комиссияси аъзоларидан 2-иловага мувофиқ таркибда «Ёшлар йили» Давлат дастурининг асосий бўлимларини амалга ошириш Кенгаши тuzилсин.
3. «Ёшлар йили» Давлат дастурини амалга ошириш Республика комиссияси ва Кенгаши (Ш.М.Мирзиёев):
вазирликлар, идоралар, ҳўжал бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши ва вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир вазирлик ва идора, минтақа, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича икки ҳафта муд-

датда «Ёшлар йили» ҳудудий ва маҳаллий ҳокимият органлари ташкили ва қабул қилинишни таъминласин;
ушбу Дастурнинг бўлимлари ва бандларини тўлиқ бажариш бўйича ишларнинг давлат бошқаруви республика ҳамда ҳудудий органлари, жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари даражасида мувофиқлаштирилишини ташкил этсин, Дастурга киритилган тадбирларнинг бажарилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;
Ўзбекистон Республикаси Президентини Девонига йилнинг ҳар чораги ақунлари бўйича «Ёшлар йили» Давлат дастурида тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этиб турсин.
4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлар (шаҳарлар)да Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгашининг Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари бошчилигида, уларнинг зиммасига Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг сўзсиз ва тўлиқ амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юкланган ҳолда, Дастурни амалга ошириш бўйича тегишли комиссиялар ташкил этиш мақсада мувофиқ деб ҳисоблансин.
5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари «Ёшлар йили» Давлат дастурини мақсад ва вазифалари кенг қўламда тушутирилишини, унинг амалга оширилишини, ёшлар ҳуқуқлари манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш ҳамда реал иқтисодиёт тармоқларида талаб этилаётган аниқ касб-ҳунарни эгаллаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг жамиятда муносиб ўринни эгаллаб, республикани ривожлантиришда ҳал қилувчи кўч бўлиб қоладиган, ўз мамлакатининг тўла ҳуқуқли фуқаролари сифатида қамол топтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда республика ва маҳаллий бошқарув органлари, жамоат ҳамда ноҳукумат ташкилотларининг аниқ ҳиссаси мунтазам ёритиб борилишини таъминласин.
6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2008 йил 29 февраль
И. КАРИМОВ

ШОИРА БОҚИЙЛИГИНИНГ ТИМСОЛИ

Пойтахтимизда 1 март куни Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия ҳайкали очилди



Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат соҳасига катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишмоқда. Ватанимиз, халқимиз тарихида ўлмас из қолдирган атоқли адиблар, фан ва маданият намояндаларининг эл-юртимиз олдида улкан хизматлари муносиб баҳолашиб, уларнинг хотирасини абадийлаштириш, меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш борасида изчил ва кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.
Истиқлол йилларида бир гурӯҳ марҳум улуғ шоир ва ёзувчиларимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган, юбилейлари кенг нишонланган, пойтахтимизда Фафур Гулом ва Абдулла Қаҳҳор каби устоз адибларимизга

муҳташам ҳайкаллар ўрнатилгани бу фикрни яққол тасдиқлайди.
Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 13 сентябрда қабул қилинган «Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг ҳайкалининг ўрнатилиши тўғрисида»ги қарори халқимизнинг сеvimли фарзанди, таниқли жамоат арбоби Зулфиянинг миллий адабиётимизга қўшган улкан ҳиссаси, бетақдор ижодий мероси ва ибратли фаолиятининг яна бир амалий эътирофи бўлди.
2008 йил 1 март куни пойтахтимизда Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг ҳайкали очилди. Юртбошимизнинг мунис ва меҳнаткаш, ҳаётнинг ҳар қандай сурон ва тўфонлари қаршида узини йўқотмай, сабртоқат ва шўқроналик билан яшайдиган ўзбек аёли, ўзбек шоирасининг тимсоли акс эти-

ши керак, деган ғояси Ўзбекистон халқ расоми, ҳайкалтарош Равшан Миртожиев ишлаган ҳайкалда тўла ифода этилган.
Баҳорнинг илк куни – Зулфия таваллуд топган айёмда ардоқли шоира ҳайкали ўрнатилган хиёбон байрамона кўркак бурканди. Бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шоир ва ёзувчилар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, шоиранинг мухлислари ва фарзандлари, жамоатчилик вакиллари йиғилди.
Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг ҳайкали очилишига бағишланган маросимни Тошкент шаҳри ҳокими А.Тўхтаев очди.
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маълумоти Х.Султонов, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, халқ

шоирлари А.Орипов ва Э.Вохидов, Ўзбекистон халқ шоираси, «Саодат» журнали бош муҳаррири О.Ҳожиёва, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, ёш шоира Д.Усмонова, Зулфиянинг қизи, адабиётшунос Х.Олимжоновна Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда барча жабхаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларда халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини янада юксалтириш устувори ўрин тутаётганини таъкидладилар. Адабиёт ва санъат, маданият соҳаси раванқига, ижодкор зиёлилар меҳнатига берилган катта эътибор ва ғамхўрлик бунинг яна бир ёрқин далилидир.
Давлатимиз раҳбари Шарқнинг фозила аёллари бошлаган эзгу ананаларни ХХ асрда янада бойитиб, янги поғонага кўтарган атоқли шоира ва жамоат арбоби Зулфиянинг бетақдор ижоди ва ёрқин шахсиятига ҳамisha алоҳида ҳурмат ва эътибор билан қараб келаётганини юртимиз жамоатчилигига, айниқса, адабиёт ахлига яхши маълум. Истиқлолнинг дастлабки йилларида улуғ шоиранинг «Дустлик» ордени билан тақдирлангани, 80 йиллик таваллуд тўйи муносабати билан Президентимиз шоирага махсус табрик йўллаб, Зулфия опани самимий қўтлагани, ижодий-ижтимоий фаолиятига юксак баҳо бергани ҳам шундан далолатдир.
Ана шундай юксак эътибор тўғрисида Президентимизнинг 1999 йил 10 июнда қабул қилинган Фармони асосида мамлакатимизда Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши адабиёт, фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларида изланаётган, фаол, фидойи, ташаббускор ва иқтидорли қизларнинг кашф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Утган даврда ўзининг аъло билими ва хулқи, адабиёт ва санъат соҳасидаги истеъдодини намойён

қилиб келаятган юз нафардан зиёд иқтидорли қиз ушбу мукофотга сазовор бўлди. Ҳозирги кунда маънавий ҳаётимизда фаол иштирок этиб, қўччиликка ўрнак бўлаётган бу қизлар тимсолида эл-юртимиз келгусида Зулфия номидаги Ватанимиз шўқратини дунёга таратадиган юксак салоҳият, ақл ва тафаккур соҳиббаларининг кўришсини орзу қилади.
Ардоқли шоира ҳайкалининг очилиши Халқаро хотин-қизлар куни — 8 март арафасига тўғри келганида ҳам ўзига хос маъно бор. Таниқли адибларимиздан бири таърифлагандек, Зулфия ўзбек маданияти, ўзбек хотин-қизлари ҳаётида муҳим аҳамият касб этган «Саодат» журнаliga узок йиллар муҳаррирлик қилиб, хотин-қизлар истиқбол йўлида курашиб келган жамоат арбоби эди. Зулфия неча-неча қизнинг қўлидан тутиб, адабиёт даргоҳига бошлаб келган, уларга йўл-йўриқ кўрсатган меҳрибон, аммо талабчан устоз, нозиктаб, зукко аёл, садоқатли ёр, меҳрибон она, буви эди.
Улуғ шоира ўз шеърларидан бирини инсон руҳининг боқийлиги, эзгулик ва адолатнинг абадийлиги ҳақида фикр юритиб, «Бахтим шу – ўзбекистон Зулфиясиман» деб ёган эди. Мазкур муҳташам ёдгорлик тимсолида Зулфия ўзининг ибратли умри, беназир истеъдоди ва ёрқин шахсияти билан халқимиз қалбидан теран жой олганига, унинг қўлтуғ номи ва ўлмас мероси беэвалов яшаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.
Тадбир иштирокчилари Зулфия ҳайкали пойга гулчамбарлар қўйдилар. Эндиликда санъат ва адабиёт, ёшлик ва гўзаллик нафаси уфуриб турган бу файзли хиёбондаги буюк шоира хотирасига, айни чоғда муқаддас аёл зотига ҳурмат ва ҳоқорат билан табаррук қадамжого айланажак.

Гулом МИРЗО,
Ўза муҳбири,
Р. ГАЛИЕВ
олган сурат.

Балки шаҳарда баҳорни шунчалар орзиқиб кутмасмиз. Ахир, тўрт фасл гуллар оғушидамиз. Қишда ҳам кўм-кўк арчалар ҳар куни йўл бўйида туриб гўё кўкман нафасини уфурди.
Кўзларимизни яшнатади. Гулчи қизлар қучоқ-қучоқ, даста-даста гуллар саралаб қўлимизга тутқазишади. Гуллар эса ҳар лаҳза қўкманни соғинган қўнғилга баҳорни кайфият бахш этади.

БАҲОР СОҒИНЧЛАРИ

Наврўз нафаси



Кишлоқда-чи? О, қишлоқнинг қор қўрғасига бурканган аёли, бўронли киши. Кеч қузда яланғоч далаларга, барглари битта-лаб аёлга юлдириб юпунлашган дарахтларга боқиб биринчи қорни қанчалар кутган бўлсак, шунчалар тез яна баҳорни соғиниб қоламиз. Аммо қиш баҳорга ўрнини бергани келмаган эгизди.
Ва бир куни дафъатан, кутганимиз баҳор соғинтири-соғинтири қуёш нафасида кириб келади. Ва кўз ўнгимизда гуллар яшнаб, ирмоқлар ўз тилида қуйлаб, қуёш янада ёрқинроқ нур соча бошлайди. Қачон баҳор бунчалар сепини тез ёйди-ю қачон дарахтларга гул-маржонлар қадашга улгурди, дея хайрон боқамиз тиргунга.
Баҳорни ким уйғотди? Ким бошлаб келди? Балки анов совуқда дийдираб, атрофга жовдираб боққан қушчалардир? Балки қиш ечинтирган яланғоч дарахтлардир? Ахир, улар ҳам баҳорни биздан кам соғинишмади, қутишмади-ку!
Ким баҳорни бошлаб келган бўлмасин, у энди барчага баробар хуш кайфият улашади. Барчага баҳор муборак бўлсин!

Қишлоқда-чи? О, қишлоқнинг қор қўрғасига бурканган аёли, бўронли киши. Кеч қузда яланғоч далаларга, барглари битта-лаб аёлга юлдириб юпунлашган дарахтларга боқиб биринчи қорни қанчалар кутган бўлсак, шунчалар тез яна баҳорни соғиниб қоламиз. Аммо қиш баҳорга ўрнини бергани келмаган эгизди.
Ва бир куни дафъатан, кутганимиз баҳор соғинтири-соғинтири қуёш нафасида кириб келади. Ва кўз ўнгимизда гуллар яшнаб, ирмоқлар ўз тилида қуйлаб, қуёш янада ёрқинроқ нур соча бошлайди. Қачон баҳор бунчалар сепини тез ёйди-ю қачон дарахтларга гул-маржонлар қадашга улгурди, дея хайрон боқамиз тиргунга.
Баҳорни ким уйғотди? Ким бошлаб келди? Балки анов совуқда дийдираб, атрофга жовдираб боққан қушчалардир? Балки қиш ечинтирган яланғоч дарахтлардир? Ахир, улар ҳам баҳорни биздан кам соғинишмади, қутишмади-ку!
Ким баҳорни бошлаб келган бўлмасин, у энди барчага баробар хуш кайфият улашади. Барчага баҳор муборак бўлсин!

Ҳидоят ОЛИМОВА.

АЁЛ КУЛГАН МАМЛАКАТ ЯШНАЙДИ

ХІХ аср бошларида яшаган буюк француз адиби ва жамоат арбоби С. Буффлер: «Токи ер юзида биттагина аёл мавжуд экан, улар ҳақида ҳамisha нимадир янги гап айтиш мумкин», - деган экан. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, мамлакатимиз истиқлолга эришгандан берди Юртбошимиз раҳнамолигида давлатимиз сиёсатида хотин-қизларга алоҳида эътибор берилмоқда. Уларнинг жамиятимиз ҳаётидаги фаол иштирокини қўриб, қувонмаслиқнинг илжи йўқ.



Конституцияимизнинг 46-моддасида ҳам хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидир.

лар, дейилган. Бугунги кунда хотин-қизларнинг ролини ва ижтимоий даражасини кўтариш давлатчилигимизнинг энг асосий, устувори йўналишлардан бири эканлигини ўзининг тўла қўли билан қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча қўли билан қўллаб-қувватлаш бўлиши мумкин. Чунинчи, 1999 йил 14 апрелда «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги, шунингдек, хотин-қизлар миқдори сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камидан 5%ни фойдаси билан таъин қилиш тўғрисида»ги қонунларнинг қабули, 2002 йил 29 августда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунлар, Президентимизнинг 1995 йил 2 мартда «Хотин-қизларнинг

Эътироф
ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2004 йил 25 майда «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.
Таъкидлаш лозимки, бугун парламент қўйи палатаси депутатларининг 18, юқори палатаси аъзоларининг 15 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда эса хотин-қизларнинг улushi 44, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари орасида қарийб 23 фоиздан иборат.

Давом 2-бетда


Табриклаймиз
ЎзМТДП Тошкент шаҳар «Соғлом авлод» бошланғич партия ташкилоти аъзоси, «Соғлом авлод» газетасининг катта муҳбири Гулчехра Широнова журналист аёлларнинг ижодий ишлари бўйича ўтказилган «Атиргул» танловидан рағбатлантирувчи мукофотни олишга муяссар бўлди. Танлов гўлиблари ҳар йилгидек Республика Миллий матбуот марказида тантанали равишда тақдирланди. Сафдошимизни самимий қўтаймиз.

2008 йил — Ёшлар йили

ИСТЕЪДОДЛАР МАСКАНИ

Бухоро Давлат университетини шундай аташади

Бухоро Давлат университети ёшларнинг севимли ўкув даргоҳларидан бирidir. Бугунги кунда бу ерда 7856 нафар бакалавр, 262 нафар магистр ва 1337 нафар сиртки бўлимида талаба таҳсил олмақда.



Умуман, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонулар жамият ва давлат қурилишини эркинлаштириш ислохотлари асосида янада такомиллаштириб бормоқда. Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти билан боғлиқ қонуларни ишлаб чиқишда жаҳондаги илгир тажрибалар

давра суҳбатлари ўтказиш ҳам аъёнага айланиб қолган. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган «Устоз-шогирд» тизими лойиҳаси ўқув гуруҳларида жорий этилган. У аллақачон ўзининг ижобий самарасини бера бошлаган.

Ёшларнинг ҳаётда тўғри йўл топишлари, билимларини мустақамлаб беришида устозлар берган сабоқ муҳим ўрин тутади, албатта. Бу ерда ишлаётган устоз-мураббийлар ҳам эзгу ишларга бош-қош бўлишни зиёлилик бурчи деб билишади. Ҳар ойнинг биринчи жума кунларида вилоят миқёсида «Маънавият ва маърифат ўкуви» ўтказилади. Университетнинг профессор-ўқитувчилари жойлардаги таълим муассасалари, қорхона ва ташкилотларда маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий мавзуларда ўтказилаётган учрашувлар ҳам мунтазам иштирок этиб келишади.

Университетнинг 56 нафар профессор-ўқитувчилари Бухоро шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинларига бириктирилган, улар маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда иш олиб боришади. Улар ёш авлоднинг эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида бирлаштириш, Ватан равақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида фидойий, ўз касби ва соҳасининг этук, билимдон мутахассислари этиб тарбиялаш ишига алоҳида эътибор ва масъулият билан ёндашмоқдалар.

2007 йил ўқув юрти спортчилари ўчун муваффақиятлик келди. АҚШнинг Чикаго шаҳрида ўтказилган Жаҳон чемпионатида педагогика ва жисмоний маданият факультети талабаси Аббос Атоев Жаҳон чемпиони бўлди. Ёшларни жисмоний этук қарор қилиб тайёрлаш борасидаги сайёҳаркатлар ана шундай сезиларли ютуқларга эътиборни қўйиш керак.

Университетнинг педагоглар жамоаси Ёшлар йилида ҳам талабаларда фаоллик ва интеллектуал салохиятни ошириш мақсадида қизиқарли семинарлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида махсус дастур асосида иш олиб бормоқда.

Бахтиёр ТЕМУР, «Миллий тикланиш» муҳбири.

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ

ган бошқа ваколатлари амалга ошириш.

Шунингдек, Конституцияда маҳаллий ҳокимият органлари тушунчасига таърифлар бериш ва унинг ҳуқуқий мақомларини яратиб ривожланган ва демократик давлатлар сиёсий тизимини чуқур ўрганиш, миллий мерос ва анъаналарни эътиборга олган ҳолда мамлакатимиз тарихий анъаналари асосида

Ўн иккинчи мақола

рўй берди. Агар Конституциянинг 101-моддаси чуқур талқин этилса, биз бу ҳолатни аниқ ва равшан англашимиз мумкин: «Маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикасининг қонуларини, Президент фармонларини, давлат ҳокимияти қўри органларининг қарорларини амалга оширадиган, халқ депутатлари кўйи Кенгашлири фаолиятига раҳбарлик қиладилар, республика ва маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни муҳома қилишда қатнашадилар.

Қўри органларининг ўзларига берилган ваколат доирасида қабул қилган қарорларни кўйи органлар ижро этиши мажбурийдир. Халқ депутатлари Кенгашлири ва ҳокимларнинг ваколатлари мuddати — 5 йил».

Шунингдек, қонунчилик тизимини шаклландириш ва фуқаролар ҳаётидаги барча чора-тадбирлар ва мувофиқлаштириш ишларини маҳаллий ҳокимият бажаради. «Ер тўғрисидаги», «Табиати муҳофаз қилиш тўғрисида»-ги ва бошқа қонуларда кўрсатилган.

Маҳаллий ҳокимият органлари ўз худудлари доирасида фуқаролик ҳолати ақтларини қайт этиди, уни амалга оширувчи идоралар фаолиятини раҳбарлик қиладилар. Маҳаллий ҳокимият органлари кичик шаҳарлар, овул, қишлоқ, посёлкларда фуқаролик ҳолати ақтларини бевосита ўзлари амалга ошириш, вилоятлар ва улар мақомига эга худудлар билан ҳамкорликда фуқароларнинг адиля органлари бажарадилар. Шунингдек, маҳаллий ҳокимият органлари қарор, фармойиш ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқларига ҳам эгадир. Бундай ҳужжатлар вакиллик органлари томонидан жамоавий тарзда, ижро ҳокимияти — ҳокимликда қабул қилинади. Бу каби ҳужжатларни худуддаги барча фуқаролар баҳаришга мажбурдирлар.

Президент И. Каримов мустақилликнинг дастлабки даврида таъкидлаганидек, «Биз бошқа давлатларнинг ривожланиш жараёнида тутилган ва республика шариоати таъбиқ қилса бўладиган барча ижобий тажрибалардан фойдаланиш имкониятини истисно қилмаймиз. Айни чоғда бирон-бир андозадан, ҳатто у муайян мамлакатда ижобий натижаларга олиб келган бўлса ҳам, кўр-қорона нуҳса кўчириш мутлақо номақбулдир. Шуниси аниқ-равшани, муайян восталар ва усуллар қиски мамлакат учун мўлжалланган бўлса, улар ўша мамлакатга хос бўлган алоҳида шариоатидога ижобий самара бериши мумкин». Қўриб турибдики, республикада маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини шакллантиришда аввало миллий давлатчилик аъёналарига муҳим эътибор берилди. Шунингдек, давлат бошқаруви соҳасида тарихимиздан мерос бўлиб қолган миллий қадриятларимиз замонавий демократик тамойиллар билан уйғунлаштирилган ҳолда амалиётга таъбиқ этилди.

Умуман, мамлакатда маҳаллий давлат ҳокимиятини шакллантириш ва уни такомиллаштириш ислохотлари амалга оширилди. Мазкур соҳадаги ўзгаришларда давлатнинг бозор иқтисодиётини шакллантириш ва уни такомиллаштириш ислохотлари амалга оширилди. Мазкур соҳадаги ўзгаришларда давлатнинг бозор иқтисодиётини шакллантириш ва уни такомиллаштириш ислохотлари амалга оширилди.


Маҳаллий ижро органлари маҳаллий бюджетни шакллантириш ва унинг ижросини амалга ошириш, маҳаллий солиқлар, тўловлар ва йиғимларни белгилаш, бюджетга қирмайдиган жамғармалар шакллантириш каби ишларни бажаради ва ўз аҳолиси жойлашган худудни барча жаҳонлар буйича ривожлантиришга ўзининг қатнаш ҳиссисини қўшади. Лекин, худудда ҳокимият органлари — вакиллик органлари ва ижро ҳокимиятларининг олиб борадиган ишлари ваколатлари бир-биридан алоҳида ажратилган. «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»-ги қонунида вакиллик органлари билан ижро органларининг бу масаладаги ваколатлари аниқ ажратиб қўйилган. Қонунида маҳаллий бюджет доирасидаги ҳокимлар ҳар йиллик бюджет лойиҳаларини тайёрлаш, уларни халқ депутатлари кенгашига тасдиқлаш учун тақдим қилиш, бюджет ижросини амалга ошириш каби ваколатларга эга бўлса, вакиллик органлари бюджетни тасдиқлаш, унинг ижроси бажарилишини назорати ҳақидаги ҳисоботларни эшитиш ва муҳома қилиш каби ваколатлар қиладилар. Шунингдек, маҳаллий ҳокимият органлари ҳисоботларини улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини қўлаб, ўз ваколатлари доирасидаги функцияларни бажаради.

Конституциянинг 100-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қўйидаги ваколатлари мустақам белгилаб қўйилган: — қонунчилик, ҳуқуқий тартибни ва фуқароларнинг ҳаётидаги ислохотларни таъминлаш; — худудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш; — маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро

Узбекистон Республикасининг «Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги». «Ер тўғрисида»-ги ва бошқа қонулар доирасида аниқлаштирилади. Туман, шаҳар ва бошқа бирликлардаги коммунал хизматни амалга ошириш, бу соҳага бошчилик қилиш ваколатлари ҳам маҳаллий ҳокимият органларига берилган. «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»-ги қонунга биноан ҳокимлар аҳолига коммунал

Уқув юртида таълим жараёнида алоҳида эътибор билан қаралади. Янги услубда дарс ўтиш устоз-мураббийларнинг ҳам истагидир. Мана бир мисол. Уқув йилининг биринчи ҳафтасида хар доим биринчи курслар билан учрашув ҳамда «Кўникма ҳосил қилиш ҳафталиги» ўтказилди, уларга университетдаги мавжуд тартиб-интизом қоидалари тушунтирилди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Келажак овози — 2007» республика иқтидорли ёшлар қўриқ-танловининг вилоят босқичида педагогика ва жисмоний маданият факультети талабаси Аббос Атоев, тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси факультети талабалари Раҳим Ҳакимов ва Азиз Қўйибовлар ғолибликини қўлга киритиб, танловнинг республика босқичида иштирок этидилар. Кам таъминланган, шарт-

сўм, 95 нафар талабаларга эса 1 466 000 сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. «Билайн» уяли алоқа компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда эса 11 нафар талабага моддий ёрдам кўрсатилди. Талаба ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш мақсадида маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашув ва мулоқотлар тез-тез ўтказиб турилади. Бундан ташқари, уларнинг билим ва малакасини ошириш мақсадида турли мавзудая семинар ва конференциялар, қўриқ-танлов, мусобақа, бахс-мунозаралардан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Ёшларнинг дарсдан кейинги буш вақтларини унумли ўтказишни ташкил этиш мақсадида талабалар турлар-жойида турли илг тўғрарлар ишлаб турибди. Талабаларнинг дарсдан ташқари вақти асосан 11 та спорт секциялари, бичиш-



нома асосида ўқитган билими, намунали ва иқтидорли талабаларни кашф этиш мақсадида ҳам танлов ўтказилди. Унда Дилнавоз Зойирова, Феруз Шамсиев, Нодира Шукурвалар ғолиб бўлишди, улар моддий-маънавий рағбатлантирилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, ўқитувчи ва ишчи-ходимларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам ижобий ишлар қилинмоқда. Утган Ижтимоий ҳимоя йилида тузилган махсус дастурга асосан бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан профессор-ўқитувчиларга 11850000

тикиш, ширинлик ва пишириқлар тайёрлаш, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш, сарта-рошлик тўғрарларида ўтади. Соғлом турмуш тарзини кенг тартиб қилиш мақсадида «ИБн Сино — саломатлик маскани» маърифат маркази ташкил этилган. Бу ерда 8 нафар тажрибали профессор-ўқитувчилардан иборат педагог-тарбиячилар фаолияти йўлга қўйилган.

Университетда «Маънавият кўни» ҳам ўзига хос бир аъёна билан ўтади. Шу кўни режага қўра барча факультетларда кенг кўламли тадбирлар ўтказилади. Уқув даргоҳида «Хумо» талаба-

«Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси регламенти»га кўра депутатлар февраль ойининг охирига ҳафтасида сайловчилар ҳузурлида бўлиши белгиланган. Шу муносабат билан депутатлар ўз округларида бўлиши, миллий қонунчилигимиз, мамлакатимиздаги ислохотларнинг ҳуқуқий асослари, янги қабул қилинган қонуларимиз, жамиятнинг демократлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда амалга ошираётган ишлар тўғрисида суҳбатлар ўтказилади.

САЙЛОВЧИ ВА ДЕПУТАТ: ЖОНЛИ МУЛОҚОТЛАР

Ана шундай учрашувлар Хонқа педагогика ва спорт, Хонқа енгил спорт қурилиши, Урганч саноат ва ахборот технологиялари коллежлари, 15-мактаб ва Урганч Давлат университетидо бўлиб ўтди. Маҳалла фаоллари, педагоглар, врачлар, фермерлар, тадбиркорлар, ҳуқуқ органлари вакиллари, ёшлар қатнашган тадбирларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Ранонож Зарипова мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асослари — миллий қонунчилигимиз, жумладан, икки

ҒЗСи, «ЎзКо-ЖУ» қўшма қорхонаси, Қорасув шаҳридаги «Ан-нур» маъсулияти чекланган жамиятида, молия бўлими, солиқ инспекциялари ва банкларда ҳам бўлиб, юртдошларимиз билан яқиндан ҳамсуҳбат бўлди. Жойларда бўлиб ўтган учрашувларда парламент кўйи палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси Д.Тўхтабоев Президентимизнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақуларни 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари қандай бўлиши ва қандай бўлиши ҳақида баътафсил маълумот берди. Сайловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Электр энергияси, иситиш тизимидаги муаммолар, йўл қурилиши, аҳолининг меҳнат билан бандлиги каби масалаларда қўллаб-қувватлаш бўлиб ўтди. — Ёшларнинг қонуларнинг тегишли моддасига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида берган тақлифларини эшитганимизда қувондим, — деди Р. Зарипова. — Бу тақлифлар ҳуқуқий демократик давлат қурилишида оддий халқнинг фаол қатнашишга бўлган иқтидорини, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга эришаётганлигини ўзида ифода қилади.

— Ёшларнинг қонуларнинг тегишли моддасига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида берган тақлифларини эшитганимизда қувондим, — деди Р. Зарипова. — Бу тақлифлар ҳуқуқий демократик давлат қурилишида оддий халқнинг фаол қатнашишга бўлган иқтидорини, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга эришаётганлигини ўзида ифода қилади.

— Сайловчилар билан бўлган мулоқотлар қизгин савол-жавоблар билан ўтди, — дейди депутат. — Учрашувларда асосан уларни ўйлантираётган муаммолар ўртага ташланди. Шунингдек, Ёшлар йили муносабати билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар, давлат бюджетининг жорий йил учун асосий параметрлари, макроиктисодий кўрсаткичлар ва солиқ сиёсати, бюджетни шакллантиришда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга берилаётган эътибор ҳусусида ҳам сўз борди. Бундан ташқари, жойлардаги ҳокимлик ва молия муассасалари вакиллари билан туман ва қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлиги масалаларини ҳал қилиш, бундан кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликнинг ривожлантиришининг аҳамияти ҳақида ҳам фикр алмашилди. Бир сўз билан айтганда, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлири депутатлари билан биргаликда сайловчилар дарвасида бўлганимизда келгуси режаларни белгилаб олиш учун қўлай имкон туғилди.

20-Қўрғонтепа сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати қандай сайланган Абдурашид Тўхтабоевнинг сайловчилари билан учрашувлари бўлиб ўтди. Қўрғонтепа, Жалақуд туманларида ҳамда Хонқобод ва Қорасув шаҳар ўрамадаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида таълим муассасаларида ана шундай тадбирлар ташкил этилди. Шунингдек, депутат «Қўрғонтепадан махсуслотлари» ҳиссадорлик жамияти, Хонқобод шаҳридаги Андижон

мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган асосий вазифалар, шунингдек, янги қабул қилинаётган қонулар ва уларнинг бугунги ҳаётимиздаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий аҳамияти ҳусусида гапирди.

Парламент ҳаёти

— Сайловчилар билан бўлган мулоқотлар қизгин савол-жавоблар билан ўтди, — дейди депутат. — Учрашувларда асосан уларни ўйлантираётган муаммолар ўртага ташланди. Шунингдек, Ёшлар йили муносабати билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар, давлат бюджетининг жорий йил учун асосий параметрлари, макроиктисодий кўрсаткичлар ва солиқ сиёсати, бюджетни шакллантиришда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга берилаётган эътибор ҳусусида ҳам сўз борди. Бундан ташқари, жойлардаги ҳокимлик ва молия муассасалари вакиллари билан туман ва қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлиги масалаларини ҳал қилиш, бундан кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликнинг ривожлантиришининг аҳамияти ҳақида ҳам фикр алмашилди. Бир сўз билан айтганда, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлири депутатлари билан биргаликда сайловчилар дарвасида бўлганимизда келгуси режаларни белгилаб олиш учун қўлай имкон туғилди.

Дилбар БЕКҚОНОВА, УэМТДП Хоразм вилоят кенгаши матбуот маркази раҳбари.

20-Қўрғонтепа сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати қандай сайланган Абдурашид Тўхтабоевнинг сайловчилари билан учрашувлари бўлиб ўтди. Қўрғонтепа, Жалақуд туманларида ҳамда Хонқобод ва Қорасув шаҳар ўрамадаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида таълим муассасаларида ана шундай тадбирлар ташкил этилди. Шунингдек, депутат «Қўрғонтепадан махсуслотлари» ҳиссадорлик жамияти, Хонқобод шаҳридаги Андижон

АЁЛ ҚУЛГАН МАМЛАКАТ ЯШНАЙДИ

«Миллий тикланиш» демократик партияси вакиллари таркибининг 48,4 фоизи ҳам хотин-қизлардан иборат. Бу — юртимизда фаолият юритаётган мавжуд 5 та сиёсий партиялар орасидаги энг яхши қўрсаткичлардан бири дейиш мумкин. «Миллий тикланиш» партиясида сайланган депутатлар орасида Шарифа Салимова, Мунира Қориева, Ранонож Зарипова сингари уюрт равақи учун салмоқли ҳисса қўшаётган аёллари алоҳида қайд этиш лозим. Депутат аёлларинингнинг сиёсий иштирокидан ўтган ва қабул қилинаётган янги таҳрирдаги қонулар жамоатчилигимиз томонидан ижобий баҳоланмоқда. Демак, бундай қонулар мамлакатимиз тараққиётига, жамиятимизнинг янада раванқ топишига замин яратиши шубҳасиз.

Очингани айтиш керак, ҳар бир давлатда аёлларга бўлган муносабат орқали халқ маънавиятининг қай даражада эканлигини кўриш мумкин. Бизнинг фарҳанга эъзадидан ўлишимиз айнан хотин-қизларимизнинг қай даражада эъзозланганлиги билан қадди. Тумарис, оқил ва тадбиркор Бибиноҳим, юксак ахлоқ соҳибаси Увайсий, Нодирбағим ва бошқа моголаримиз ҳар қачон бизга ибрат мактабидир. Уларга қараб, миллиятимиз шаънини англаймиш, улғулаймиш.

Мана, кўз очиб юмгунча истиқлолимизнинг ўн еттинчи баҳори ҳам қириб келди. Хуррият берган мезмалар — ўз фикрини эмин-эркин баён этиш, хоҳлаган меҳнат тури билан шуғулланиш, жамоат ишларида фаол иштирок этиш, Ватан ободлиги йўлида жонбозлик кўрсатиш эркинлигининг қониқлиги туйғулари ҳаммага ҳам насиб этаверилади! Бугунги кунда ёшларга таълим-тарбия беришда, замон талаблари даражасида малакали мутахассислар тайёрлашда, келажак вориислар ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини оширишда хотин-қизларимизнинг ҳам ҳиссаси қатта. Аёлларимизнинг сийхат-саломатлигини ошириш соҳасида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, жойларда борда олиб борилаётган ишлар қўлами кенгайди. Мамлакатимизда ҳозир 2500 дан ортиқ қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда. Айнан истиқлол йилларида аёлларнинг ўртача умр кўриши 70 ёшдан 74,6 ёшга узайганлиги бу ғамхўрликнинг ёрқин намунаси.

Улкамизга яна баҳор ташриф бурди. Борлиқ узра яшарини фаоли ўз фусункорлиги ила одимламоқда. Дарвоқе, баҳорнинг илк байрами хотин-қизларга бағишланган. Шундай экан, уларни шарафлаш аёйми ҳозир. Шу ўринда бонд-лалигимизда эшитган бир қимматни эсладим: «Аёл қулган мамлакат яшнайди!» Келинг, аёлларимиз юзидан табасум аримасан. Ахир, улар ҳам баҳор янглиғ яратувчи эзотирлар. Инчунун, маъсуа хотин-қизларни баҳорга менгаш энг тўғри қиёс.

Муродулла ҒАФУРОВ.

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«ТУРОНБАНК» ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз хотин-қизларини баҳорнинг энг гўзал ва бетакрор айёми —

8-март байрами билан

САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

Шу қувончли кунларда барча онахонлару опа-сингилларимизга мустаҳкам соғлик, тинчлик-хотиржамлик ва оилавий бахт-саодат тилайди.

Ҳамиша бахтиёр, гўзал, сеvimли бўлинг, авиз ва муқаддас аёллар!

Байрам кайфияти Сизларни асло тарк этмасин!



● ЎЗМТДП ташаббуси билан

ЭНГ НАМУНАЛИ ОИЛА АНИҚЛАНДИ

ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши «Хотин-қизлар қаноти», вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамда Жанубий-Фар-

бий ҳарбий округ хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида «Энг намунали оила» кўриктанлови ўтказилди.

Унда Қарши округига қарашли Бухоро, Сурхондарё,

Қашқадарё вилоятларида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари иштирок этишди. Қизиқarli савол-жавоблар ва турли мавзудаги топшириқлар қатнашчилар-

нинг билим ва иқтидорларини яна бир бор синовдан ўтказди. Танловда Қарши шаҳар Сержантлар тайёрлаш мактаби ҳарбий хизматчиси капитан Мадалимовлар оила-

си фахрли 1-ўринни эгаллаб, республика босқичига йўлланма олди.

Тадбир сўнггида ташкилотчилар томонидан ғолибларга фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Азиза УСМОНОВА,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси.

Тадбиркор аёлларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда 8-март — Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан Республика Хотин-қизлар қўмитасининг ташаббусига кўра Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида вилоят хотин-қизлар қўмитаси, Марказий банк ва тижорат банклари, «Тадбиркор аёл» ассоциацияси, деҳқон-фермерлар уюшмаси, Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда «Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришда банкларнинг ўрни» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Навоий: ТАДБИРКОР МАЛИКАЛАР ИБРАТИ



Бино фойе-сида 40 нафардан ортик тадбиркор ва фермерлар томонидан чиқарилган маҳсулотларнинг кўргазмаси ташкил этилди. Ундан миллий хунармандчилик бўюмлари, деҳқон-фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган энг сара маҳсулотлар ўрин олди. Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси М. Ибрагимова сўзга чиқиб, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида гапирди. Шундан сўнг вилоятдаги банкларнинг бошлиқлари молиявий мадад эвазига тадбиркорлик йўналишида муваффақиятга эришган тадбиркор аёллар, тадбиркор хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, имтиёзлар хусусида тўхталди.

Тадбиркорликда юқори натижаларга эришиб, қўллаб-қувватлаш бўюмлари ташкил этган аёллардан 10 нафарига вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиги ва қимматбаҳо совғалар тақдим этилди. 40 нафар тадбиркор аёллар банклардан олган кредити эвазига хотин-қизлар учун янги иш ўринлари ташкил этиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйганлиги учун қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Тадбирда концерт дастури намойиш этилиб, унда таниқли санъаткорлар, Навоий маданият ва санъат коллежининг хушовоз талаба ёшлари ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари, бетакрор рақслари билан иштирокчиларни хушнуд этди.

Дилбар РАЗЗОҚОВА.



Юртимиз истиқлолга эришгандан бунён таълим тизимида кенг қамровли изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Ёш авлоднинг билим ва хунар сирларини пухта эгаллашлари учун барча шароитлар яратилаяпти. Кейинги йилларда мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида замон талабларига тўла жавоб берадиган ўқув даргоҳлари бунёд этилаётгани бунинг ёрқин исботидир.

Ҳар бир йил бундай бунёдкорлик ишларига бой бўлаёттир. Жорий йилда ҳам қатор иншоотлар қуриш режалаштирилган. Хусусан, Олмалик шаҳрида ҳам таълим тизимида янги қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш назарда тутилган.

Тошкент вилоятида 2008 йилги умумтаълим манзилли дастурига асосан 16 та касб-хунар коллежи, 80 та умумтаълим ўрта мактаби, 67 та мактаб капитал таъмири ҳамда 15 та болалар спорт иншоотлари қурилиши ва реконструкция қилиниши кўзда тутилган. Бу ишлар учун жами 74 миллиард 013,3 миллион сўм маблағ ажратилган.

Шундан Олмалик шаҳрида 1 та касб-хунар коллежи, 3 та умумтаълим ўрта мактаби ва 1 та болалар спорт зали қурилиши режалаштирилиб, бунёдкорлик иш-

ри учун 3 миллиард 234 миллион 142 минг сўм маблағ ажратилган.

870 ўринли Саноат касб-хунар коллежига 2 миллиард 605 миллион сўм ажратилган. Тендер савдолари натижасида янги қурилиш объектлари асосан «Олмаликқимёқурилиш» МЧЖ зиммасига олган. Ҳозирда вилоятнинг 100 дан ортик қурувчи усталари меҳнат қилаётган объектда ишлар қизғин бормоқда. Яқинда вилоят ҳокимлиги қoшидаги «Ягона буюртмачи» хизмати инжиниринг компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган навбатдаги вилоят кўча семинарининг амалий қисми қурилиш бораётган Саноат касб-хунар коллежидеги ишлар билан яқиндан таништириш мақсадида тадбир иштирокчилари учун экскурсия

ОЛМАЛИҚДА ЯНГИ ЎҚУВ ДАРГОҲЛАРИ

уюштирилди. Шаҳардаги капитал реконструкция қилиниши белгиланган 8-мактабда 440 нафар, 10-мактабда эса 280 на-



Таълим ва ислохот

ф а р ўқувчи ўрни яратилиши белгиланган. Мактаб таълими жамғармаси ҳисобидан 302,125 миллион сўм маблағ ажратилган 8-мактабдаги ҳамда 218,426 миллион сўм маблағ ажратилган 10-мактабдаги реконструкция ишлари «Олмаликмаҳсуқурилиш» МЧЖ томонидан амалга оширилади. Тендер савдолари натижасига кўра, мазкур жамоа 10-мактаб қoшидаги спорт зали қурилиши ишларини бошлаб юборган. Ушбу ишларга Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 108,596 миллион сўм маблағ ажратилган. Капитал таъмирлана-

диган 19-мактаб бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган, экспертиза хулосалари олинган. Тез кунларда тендер савдолари ўткази-

нинг билим ва иқтидорларини яна бир бор синовдан ўтказди. Танловда Қарши шаҳар Сержантлар тайёрлаш мактаби ҳарбий хизматчиси капитан Мадалимовлар оила-

нинг билим ва иқтидорларини яна бир бор синовдан ўтказди. Танловда Қарши шаҳар Сержантлар тайёрлаш мактаби ҳарбий хизматчиси капитан Мадалимовлар оила-

Зумрад ВАХОБОВА,
«Миллий тикланиш» муҳбири. ®

Мустақиллик туфайли фалсафа, хусусан, диалектиканинг асл илмий моҳиятини холисона ёритиб бериш имконияти пайдо бўлди. Фалсафа мазмунан бой ва қудратли маънавий куч ҳисобланади. Унинг тараққиётига барча халқларнинг энг етуқ мутафаккирлари билан бир қаторда аждодларимиз ҳам катта ҳисса қўшишган. Бугунги кунда фани янада ривожлантириш, ёш авлод онгини фалсафий дунёқараш, замонвий фан ютуқларига асосланган билимлар билан бойитиш катта аҳамият касб этади. Жамиятимиз равнақида, унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларида муҳим ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бу ижобий ўзгаришлар ва ислохотлар туфайли фалсафа илмини янгилаш, янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар эшиги очилди.

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ФАЛСАФАСИ:

ТАРАҚҚИЁТ ВА ИСТИҚБОЛ

«Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт» мавзусидаги халқаро илмий конференция Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ташкил топганлигининг 90. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти фойлият юрита бошлаганининг 10 йиллиги муносабати билан ташкил этилди. Анжуман фалсафа факультети, фалсафа ва фан методологияси кафедрасининг «Ҳозирги замон эпистемологиясининг фан методологиясини ривожлантиришдаги тарққийёт» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳаси доирасида ўтказилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти ҳамкорлигида ўтган илмий анжуман қизгин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Россия Файласуфлари жамияти, Боку Муслика академияси, Жанубий Қозоғистон давлат университети вакилларининг маърузалари долзарб масалаларга бағишланди. Улар асосан ёш авлод тарбияси, глобаллашув ва экологиянинг ижтимоий масалалари, маданият фалсафасининг шаклланиш хусусиятлари тўғрисида гапирди. Тадбирда, шунингдек, мамлакатимиз олимлари ҳам турли мавзуда маъруза қилишди.

МДХ давлатлари ҳамда вилоятлардан келган иштирокчилар қизиқarli ва керакли илмий маълумотларни олдилар. Тадбир материаллари китоб ҳолида чоп этилди. Иштирокчилар бундай илмий-амалий конференцияларни олий ўқув юртиларида тез-тез ўтказиб туриш фойдали эканлигини таскиллашди.

Дарҳақиқат, юртимиз келажаги порлоқ бўлиши, фан-техника соҳасида эришилажак ютуқларнинг салмоғи ёш авлод сай-ҳаракатлари қандай бўлишига ҳам боғлиқ. Ёшларимиз илмий, салоҳиятли бўлиб воға етса, давлатимиз ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олади. Ахир, буюк алломалар, олим-файласуфларимиз фалсафий мушоҳадалар орқали оламни, табиятни ва инсон фалсафасини билиш мумкин, деб таълим берганлар. Бугун ҳам илм-фан фидойилари кекса авлод тажрибалирини инobatта олиб, илмий ишлар, ўқув қўлланмалари яратмоқдалар. Бу борада янада яхши натижаларга эришиш учун истиқлол госяи фалсафа фанининг бугунги тарихида, юртимиздаги иқтисодий, сиёсий, маънавий ва маърифий, мафкуравий ривожланишнинг омилли бўлмоғи даркор.

Азизахон ЗАЙНИТДИНОВА,
фалсафа фанлари номзоди.

Ибратли ҳикоятлар

Амир Темури юртни босқинчилардан озод қилиш учун лашкар тўплаб юрарди. Бир кун у ўзининг оз сонли аскарлари билан Лангар ота мавзесига келиб тушди. Тоғлар орасидаги бу қишлоқ сўлим ва салқин эди. Амир Темури ўзи шу қишлоқда машқ билан ўтказишни ўйлаб қўйди. Сарбозларини хонадонларга жойлаштирди, ўзи эса қишлоқ чеккароғида, дарё бўйида ўтов тикди. У ёшлик чоғидан ўтовда ётиб-туришни ёқтирарди.

ОТНИ КИМ СУҒОРАДИ?

Мана, ҳозир ҳам Амир Темури ўтов этагидаги кигизни салгина кўтариб қўйди. Фир-фир шабада эсди, димоғига муаттар гулларнинг исси урилди. У дарё тарафга тикилиб қолди. Шу пайт от етаклаган бир жувон кўринди. Жувон отини ўтов ёнидан олиб ўтиб, дарё томон борарди. Ана, у отнинг бошини бўш қўйди. Арғумоқ сувга энгашди. Аёл ҳам дарёда юзқўлини юва бошлади. Амир Темури халёга толди: "Эркакни йўқ есирмикан ва ё бировнинг чўрисимикан? Нечун аёл боши билан от етаклаб юрибди?"

Жувон отини суғориб бўлиб, изига қайтаётганда Амир Темури унинг йўлини тўсди. — Уэр, синглим, сизга бир оғиз гапим бор эди. — Нечун сиз ушмундоқ юрибсиз, от суғорадиган кишингиз йўқми? — Бор, — деди аёл хижолат бўлиб, — у киши уйда қолди. — Бориб кишингизга айтинг, — деди аччиқлини Темури, — менинг олдимга келсин. Оқ ўтовга десангиз ўзи билади.

Бироз фурсатдан кейин ўрта ёшлардаги норғул киши етиб келди. У Амир Темурига Лангарни қароргоҳ қилиб турганидан хабардор эди. Ўтовга кириб таъзим қилди. Темури гапни танбех беришдан бошлади: — Бу элда эркаклар ориятни йўқотиб қўйган шекилли, биродари азиз! Сиз уйда ёнбошлаб ётнинг суғорганга от суғориб юрсин! Бундоқ амал эр кишига ярашурми, айтинг!

Тоғлик киши қизариб кулимсиради. — Танбехингиз ўринли, бек оға, — деди куллуқ қилиб, — мен ҳам унақа номард эмасман. Хотинга от суғортириб уйда ўтиришни ўзимга ор деб биламан. Аммо ҳар бир хонадонда учта-тўрттадан сарбозларингиз бор. Улар ёш, уларнинг қони қайноқ. Бу ёқда икки қизим бўй етиб турибди. Ожиз кабуларларни бургутнинг чангалига ташлаб кетолмайман-ку, тўғрими, оғажон? Хотинни дарёга юбориб, ўзим қизларга қоровул бўлиб ўтирдим. Отанинг гапи Темурига қаттиқ таъсир қилди. У сарбозларини хонадонларга жойлаштириб хато қилганини англади. Эртасига аскарларини бир ерга жамлади ва уларга алоҳида чодирлар тиктириб берди.

УЙИДА ЎТИРМАГАН ОДАМ


Адиб Собир Термизий билан Рашидиддин қалин дўст эдилар. Улар қунда-қунора учрашиб, ўртага суҳбат дастурхонини ёзмаса, кўнгиллари тўлмас эди. Узун ва зерикарли қиш тунларининг бирида Рашидиддин уйига сизмай қолди.

Дўстини йўқлаб, Собир Термизийнинг ховлисига борди. Эшик зулфини бир-икки урди, ҳеч ким жавоб бермади. У қаттиқроқ тақиллатди. Товуш бўлавермагач, овозини кўтариб, илдоа қилди: — Қанақа одам бу Собир Термизий деганлари?! Кишининг изгирили тунда уйда ўтирма бўлмайди! Собир, қани, дўстим не қилар экан, деб эшик очмай турган эди. Деразадан бошини чиқариб, писанда қилди: — Мен-ку, ўй уйимда ўтирибман. Бу Вотвот (Рашидиддин) деганлари қанақа одам экани, изгирили тунда уйда ўтирмай, бировларнинг эшигини уриб юрибди? Иккала дўст бараварига қулиб юбордилар.

КЕМАЧИ ХОН БЎЛДИ

Муҳаммад Раҳимхон — Феруз дарё сайрида эди. Бирдан шомол туриб, кемани писта пўчоғидай ўйната бошлади. Дарё тошиб, кемани сув босди. Қайиқчилар ташқарига пақирлаб сув тўқа бошладилар. Ёлғиз хонгина кутурган дарёга хаёлчан тикилиб ўтирарди. Тўсатдан дарганинг дағдағали товуши эшитилди: — Хей, Мадрайимхон! Хон бўлсанг, ерда хонсан, бу ерда бизга ўхшаган оддий инсонсан! Жон керак бўлса, қўлингга чўлпи олиб, сув тўқ, йўқ эса, ҳаммамиз асфаласофинга кетамиз! Муҳаммад Раҳимхон беихтиёр қўлига улкан чўмич-чўлпини олди. Дарё сувини дарёга тўқар экан, истеҳзоли илжайиб, шеър ўқиди: Кемачи хон бўлди, биз навкар бўлдик, Анинг амри билан сув тўқар бўлдик...

Саъдулла СИЁЕВ.



Боғларда баҳор нафаси Азамат АХМАД олган сурат.

СОҒЛОМ ФАРЗАНДЛАР

ЭРТАНГИ КУНИМИЗ ЭГАЛАРИДИР

Спорт саломатлик кафолати бўлиши баробарида иродани мустаҳкамлайдиган, руҳий хотир-жамлик ва соғлом турмуш тарзини шакллантирадиган воситалардан бири ҳисобланади. Мустақиллик даврида спортга эътибор кучайди. Айниқса, болалар спортга ғамхўрлик кўрсатишдан кўзланган мақсад ҳам айнан соғлом жамиятни барпо этишга қаратилган азму қарордир. Эртанги кун эгаларини ҳар томонлама етук шахс қилиб тарбиялаш бизнинг олдимизда ана шундай юксак вазифани қўймоқда.

раш, енгил атлетика, баскетбол, қўл тўпи спорт турларидан вилеятимиз шаънини ҳимоя қилади. Қураш бўйича спорт устаси Ботир Боймуродов, Эрали Юсупов, Сувоқул Раҳимов, Акбар Холбўтаев каби устозлар талабаларга бош-қош. Айтиш кераки, коллеж жойлашган ҳудуддаги Беклар маҳалласи ёшлари билан ишлаш бизнинг вазифадир.

Бу борада воҳода ўз салоҳиятига эга педагогика коллежимизда ибратли ишлар амалга ошириляптир. Масалан, билим юртининг моддий-техника базаси йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораёпти. Қўшақ давр ичида «Баркамол авлод» таснифидан ўрин олган спорт турлари билан шуғулланиш учун барча жумляликлар яратилди. Жумладан, ёнма-ён жойлашган ёзги ва қишки спорт заллари, қўл тўпи, баскетбол, волейбол, очик ва ёпиқ спорт майдончалари таъмирланиб, замонавий техника воситалари билан қайта жиҳозланди. Шунингдек, коллежга республика ва халқаро тоифадаги спорт усталари, разрядли спортчилар, юртимизда танитилган полковлар жалб этилди. Ўқув жадвалида амалий машғулотларга кўпроқ соат ажратилганлиги айни мурдао бўлди. Натихада спорт турлари бўйича юритилётган барча тўғарақларда иш жонлиниб кетди. Мурабийлар бугунги кунда 500 на-

фардан зиёд ёшлар билан мунтазам машғулот ўтказишмоқда. Дарвоқе, «Баркамол авлод — 2008» республика мусобақасида коллежимизнинг 41 нафар талабаси иштирок этиш учун тайёрларлик кўрмоқда. Чунонки, Нўмон Саиднабиев, Самад Бобоборов, Нажмиддин Жумаев, Умида Боирова, Ойбек Қодиров, Лазиз Тошнйёзов, Шаҳбоз Сафаров сингари талабаларимиз куч-қудратини кўрсатишмоқда.

Панжи ШУКУРОВ, Ғолиб РАҲАБОВ, Қарши педагогика коллежи ўқитувчилари.



БАХТСИЗЛИКНИ ЕНГАН ИНСОНГИНА БАХТЛИДИР

Бир аёлни биламан. Унга жуда-жуда ўхшагим келади. Ҳаётга эмас, чин юракдан фазилатларга ҳавас қиламан. У ҳам кўпчилик қатори мактабни муваффақиятли битирган. Институтда устозларининг ҳурматини қозонган. Хорижий мамлакатларда малакасини ошириш учун чет тилларни пухта эгаллади. Лекин тақдирнинг унга атаган синовлари кўп экан.

Олий ўқув даргоҳини битириши арафасида онаизори касаллиққа чалиниб, тушакка миҳланиб қолди. Бир оёғи кутубхонада, бир хаёли онажониде бўлиб, диглом ишларини ёзди. Курсдошлари бир-бирлари билан хайрлашиш учун йилгиланларида у алақачон қишлоғига етиб олган эди.

Ҳаёт сабоғи

Маҳалласи этагиди мактабда ўқитувчилик қилиб, волидаи муҳтарамсининг хизматида бўлди. Тунлари миҳжа қоқмай китоб варақлар, онаизори «оҳ» деса истаганини оғизга тутарди. Лекин, бир кунги меҳрибони ҳам бандаликни бажо этди. Онажонининг дуоларини олган қиз яхши жойга келин бўлди. Бир-биридан ширин фарзандлар кўриб, айрилик аламларини бироз унутди.

Аммо... турмуш ўртоғининг автоҳалокатга учраб вафот этиши унинг бахтиёр ҳаётини юна қайтага тўлдирди. Нима қилсин, уч нафар дилбандининг каттаси хали мактаб ёшига ҳам етган эмас. Кичиги эндигина атачекча қилаёпти. Гўёки ҳар тонгда уни янгидан-янги синовлар қарши олири, ташвишларидан бири ариди дегунча, яна бири олдидан чиқаверарди. Эртанги кунги фарзандлари тақдирини ўйлаб эзилар, киприклариде қотиб қолган ёш билан

Шоҳсанам НИЁЗОВА, Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицей ўқувчиси.

Истиқлол шарофати ила юртимизда мунис онахонлар, опа-сингилларга бўлган ҳурмат-эътибор яна юксалди. Буни хотин-қизларимизнинг турли жаҳаларда эришаётган ютуқлари ва жўшқин фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Кармана туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Назокат Аҳмедованинг фикрига кўра, бугун туман ижтимоий ҳаётда оила бекаларининг ўрни юксак.

Кармананинг меҳр гуллари

Масалан, халқ таълими бўлимига қарашли таълим-тарбия муассасаларида меҳнат қилаётганларнинг барчасини хотин-қизлар ташкил этади. Бўлим мудири Шаҳодат Ҳамидова раҳбарлигидаги муаллима ва тарбиячилар амалга ошираётган ишлар мактовга лойиқ. — Айниқса, 4-умумтаълим мактабидеги ишлар диққатга сазовор. Уни тажрибали педагог Гулчехра Сатторова бошқармоқда. Жамоа йилдан-йилга юқори кўрсаткичларга эришаётди, — дейди халқ таълими бўлими методика хонаси мудири Дилбар Аҳмедова.

Мактабда бўлганимизда умуммиллий дастур асосида бунёд этилаётган янги бино қурилишида иш қизгин, шунингдек, ўқув-тарбия жараёни ҳам узлуксиз давом этаётганлигининг ғувоҳи бўлдик. 1300 ўқувчининг 688 нафари қизлар, 83 ўқитувчининг 60 нафари хотин-қизлар. Муаллима опалар орасида тажрибали педагоглар кўп. Гулбаҳор Раҳимова ўқув-тарбиявий ишларни мувофиқлаштириш билан бирга мактаб методик кенгашини ҳам бошқаради. Зиё маскани тумандаги намунали ўқув даргоҳига айланишда унинг ҳам меҳнати синган. Ушбу йилда ўқитувчи Қомила Ражабова «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» танлови вилеят босқичи совриндори, Гулбаҳор Шаропова ва Дилфуза Каримова эса ғолиблари бўлиб, республика танловига йўланма олдилар. Наргиза Кенжаева «Энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танловида фаол иштирок этди.

Бахтиёр ТЕМУР, «Миллий тикланиш» мухбири.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ёшларга оид сўбатнинг устувор йўналишлари» мавзусида халқаро анжуман ўтказилди. Унда «Камолот» ЕИХ, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамда Фридрих Эберт номидаги жағгарма (Германия) томонидан ташкиллаштирилди.

КАМОЛОТГА ЕТАКЛОВЧИ ҲАРАКАТ

Тадбирда Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутатлари, мамлакатимиздаги ва хорижий олимлар, ёшлар сиёсати бўйича экспертлар, ёшлар ҳаракати фаоллари, талабалар ва оммавий ахборот воситаси вакиллари иштирок этишди. Йўналиши «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Гулрўх Аъзамова очиб, йилгиланларга ҳаракат фаоллари томонидан жойларда олиб борилаётган ишлар, юртимизда ёшларга яратилаётган кенг имкони-ятлар, уларнинг спорт, фан ва маданият, бошқа соҳаларда эришаётган ютуқлари ҳақида гапирди. Ёшлар йили муносабати билан уюштирилган тадбир

ва эркинликлари, уларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида маърузалар тингланди. Мамлакатимиз ёшларини камолот манзиллари томон етакловчи ёшлар ҳаракатининг жорий йилдаги режалари ҳам муҳокама қилинди. Халқаро ташкилотларнинг ёшлар муаммолари бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бораётган олимларни тадбир иштирокчиларини қизиқтирган саволларга жавоб беришди. Раҳима МАЛИКОВА.

МЕН АНГЛАГАН ҲАКИҚАТЛАР

Хар қандай шароитда ҳам сенга вафодор ва садоқатлиман, деб турган дўстларингиз юзта сўзи тўғри бўлса ҳам, қалбинг ўша сўзлар ичида биттаси бўлса-да, ёлғон бўлиши мумкинлигига ишониб турсин.

Агар сен босаётган қадамнинг эгрилигини, қилаётган ишинг ҳатолигини сезиб қолсанг, дарров ўзингни ўнглаб, фелъингни тузатишга ҳаракат қил. Ҳечдан кўра, кеч ҳам яхшидир.

Биз машҳур шоирларга, донги кетган санъаткорларга умуман, эл назарига тушган инсонларга ҳавас қилиб, уларни қўл етмас юлдузларга қиёспаймиз. Лекин, шу инсонлар ҳам тинимсиз меҳнат

ва истеъодлари орқали «осмонга» чиқишганини унутмаслигимиз керак.

Инсонга «хом сут эмган», дея таъриф беришади. Чунки, у зигирдеккина қилган яхшилигини ҳам вақти келганда миннат қилиши мумкин. Шундай экан, сен ҳам кимлардир берган совға-саломлардан ўзингни йўқотиб қўйма. Зеро, у сендан ҳеч нарса талаб қилмаса ҳам, замирида қандайдир ноҳолис ният бўлиши ҳам мумкин. Унутмагинки, фақат Аллоҳ

берган муқофотга беминнатдир.

Кимдир душанбани, яна кимдир чоршанбани оғир кун дейди. Бу кунларни ёмон кўраман, — дейди яна биров. Лекин, кунларни ёмон кўриб бўлмайди. Сабаби, сизга бирозгина ноқулай келган душанба бошқа киши учун қувончли келиши мумкин. Чоршанбада кимдир хафа бўлган бўлса, сиз худди шу кунда хурсанд бўлишингиз мумкин. Демак, инсон ҳар кунидан умид қилиб яшashi керак.

Ҳаётга боқиб

Кўнрақда меҳр-оқибат бор... Шаҳарда эса салом бермасанг ҳам бўлаверди... дейишди. Аксинча, шаҳарда саломингга яраша алик оладиганлар кўп.

Пулсиз қўчага чиқиб бўлмас... лекин, ақл идрок билан дунёнинг нариги чеккасига бориш мумкин.

Умр бўйи оила аъзоларидан рўшнолик кўрмаган кишининг вақти-соати етиб, боши ёстиққа теғди. Ён-атрофга аланлаб, жон беришга қийналаётган отадан ўғил сўради: нима изляясиз, отажон? —Халоват изляясман болам, ҳаловат.

Назира БОЙМУРОВОВА.

Advertisement for 'Milliy Tiklanish' newspaper, including contact information for the editor-in-chief, phone numbers, and subscription details.